

O'zbekiston Respublikasi Toshkent viloyati Parkent tumani Parkent qfy Tong ko'chasi "E'zoza Al madad" XK		Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти Паркент тумани Паркент кфй Тонг кучаси "E'zoza Al madad" XK
---	--	---

X/p 20208000200248674001, ИНН 302683225, ОКОНХ 17141, МФО 00483

Микрокредитбанк Паркент тумани булимий

Чик. № 26  
20 апрел 2018 йил

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси  
 раиси А.Икрамовга ва раиснинг  
 биринчи ўринбосари И.Жасимовга

## ТАШАККУРНОМА

**Мухтарам Адхам Илхамович ҳамда  
 хурматли Ислом Казимович,**

"E'zoza Al madad" XK номидан Сизларга ва ССП ходимларига ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Мен тадбиркорлик фаолиятимни бошлаш баробарида ҳуқуқий билим ва тажрибам озлиги туфайли анчагина қийинчиликларга дуч келдим. 2017 йил ёз ойларида Сиз Ислом Казимовичнинг телевидение орқали тадбиркорлик давлат ҳимоясида эканлигини ҳамда Республика ССПда ҳар бир тадбиркор ва унинг фаолиятига индивидуал ёндашиб ва тадбиркорнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, унга амалий ёрдам кўрсатилиши ҳақида кўриб, эшитганларимдан сўнг Республика ССПга мурожаат қилиб, мени қийнаётган зиддиятли ҳолатлар бўйича маслаҳат ва жавоблар олдим.

2018 йил февраль ойида менинг корхонам Республика ССПга аъзо бўлди. Шундан сўнг ССП мен раҳбарлик қилаётган "E'zoza Al madad" XKнинг манфаатида Тошкент туманлараро иқтисодий судига ўтказилган тендер савдосининг Тошкент вилояти Паркент тумани Ёшлик МФЙ ҳудудидаги ХАТП-23 маъмурий биносини сотиш қисмини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво ариза киритди.

Ушбу киритилган даъво ариза қисқа муддат ичида ўрганиб чиқилиб, 2018 йил 19 апрель куни навбатдаги суд мажлисида адолатли ҳал қилиниб,



даъво ариза талаблари тўлиқ қаноатлантирилди ҳамда менинг фаолиятим давом эттирилиши таъминланди.

Қилган мурожаатим ССПда атрофлича ўрганилиб, Ислон Казимович раҳбарлигидаги Юридик бошқарма бошлиғи У.Абдухафизов, А.Сейтеков, М.Маткаримова, Қ.Жумаев каби билимли ва тажрибали юристлари борлигини ва Мансуров Бобур каби мутахассислар малакаси ва салоҳиятини кўриб, ССПга мурожаат қилиб, адашмаганлилимни ҳис қилдим.

Сўзим охирида чекка тумандаги тадбиркор сифатида шуни таъкидламоқчиманки,

Хурматли Ислон Казимович!

Сиз ва Сиз билан ҳамнафас билимли, иқтидорли меҳнат жамоангиз бор экан биз Республика тадбиркорлари ўз куч ва ғайратларига ишониб, олдимизга қўйган барча ният-мақсадларимизга эришиб, бунданда юксак чўққиларни забт этишимизга ишонамиз.

Республика ССПнинг меҳнат жамоасига яна бир бор ўз миннатдорчилигимни билдириб, келгуси ишларингизга муваффақиятлар тилайман.

“E’zoza Al madad” ХК раҳбари



Ш.Ёкуббоева